

Ўзбекистон Республикаси номидан
Х У К М

2022 йил январь ойининг 27 куни Жиззах вилояти жиноят ишлари бўйича Фориш тумани судининг “Ўзбекистон” ва “Қўлба” маҳалла фуқаролар йиғини биносида очик сайёр суд мажлисида,

Раислик қилувчи судья А.Ботиров,
судья ёрдамчиси Н.М. [Redacted] внинг котиблигида, тарафлардан давлат айбловчиси-Фориш тумани прокурорининг ёрдамчиси С.Аҳмедов, судланувчилар Д.Нормухаммадов ва О.Сайфуллаевлар ҳамда уларнинг ҳимоячиси “Ozod-muhofoo adolat sari” адвокатлик бюроси адвокати Б.Бекпўлатова, жабрланувчи А.Ботировларнинг иштирокида 1-1312-2201/1-сонли жиноят иши кўрилди.

Иш ҳужжатларига кўра:

[Redacted]
2000 йил 25 февраль куни Фориш туманида туғилган, ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти ўрта-махсус, бўйдоқ, Фориш тумани ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш бўлимида ветеринария техниги бўлиб ишлайди, илгари судланмаган, [Redacted]

[Redacted] яшайди, айблов хулосаси нусхасини 2022 йил 6 январь куни олган,

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 169-моддаси 2-қисмининг “в,г” бандлари билан айбланган.

[Redacted] 2000 йил 15 апрель куни Фориш туманида туғилган, ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти ўрта-махсус, бўйдоқ, Фориш туман “Базальт” МЧЖда пайвандчи бўлиб ишлайди, илгари судланмаган, [Redacted]

[Redacted] а яшайди, айблов хулосаси нусхасини 2022 йил 6 январь куни олган,

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 169-моддаси 2-қисмининг “в,г” бандлари билан айбланган.

Суд, жиноят ишини кўриб чиқиб, судланувчилар, жабрланувчи ва гувоҳларнинг кўрсатувларини, тарафларнинг музокара нутқлари ҳамда судланувчининг охириги сўзини тинглаб, иш бўйича тўпланган далилларни текшириб, уларга баҳо бериб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И:

Д.Нормухаммадов ва О.Сайфуллаевлар ўзаро жиноий тил бириктириб, бир гуруҳ бўлишиб, 2021 йил 25 ноябрдан 26 ноябрга ўтар кечаси соат 00:30 ларда ўзаро келишувга кўра, Д.Нормухаммадов Фориш тумани “Қўлба” маҳалла фуқаролар йиғинида яшовчи А.Ботировнинг



уйи ёрдамчи хўжалиги хоналари деразасидан ғайриқонуний равишда кириб, О.Сайфуллаев эса дераза олдида атрофни кузатиб туриб, хавф сезилса хабар бериб, унинг олиб Д.Нормухаммадов билан ичида турган бир дона нархи 1.500.000 сўмлик “ЕРА” русумли пайвандлаш ускунаси ва бир дона нархи 750.000 сўмлик “ЕРА” русумли кесиш ускунаси (балгарка) жами 2.250.000 сўмлик ускуналарни дераза орқали О.Сайфуллаевга узатиб, ушбу ускуналарни яширин равишда ўғрилаб, тошлар орасига яшириб қўйиб, унинг олиб Жаззаха шаҳрига олиб бориб, М.Ахмедовга ўғирлиги ҳақида айтишдан 600.000 сўмга сотиб юборишиб, талон-торож қилишганлар.

Суриштирув давомида бир дона “ЕРА” русумли пайвандлаш ускунаси, бир дона “ЕРА” русумли кесиш ускунаси ашёвий далил тариқасида олинган.

Шундай қилиб, О.Сайфуллаев ва Д.Нормухаммадовлар ўзларининг юқорида қайд этилган жиноий ҳаракатлари билан ЖКнинг 169-моддаси 2-қисмининг “в,г” бандларида назарда тутилган жиноятни қасддан содир этган.

Судда судланувчи Нормухаммадов Диёр айбига иқроор ва пушаймонлик билдириб, Фориш тумани ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш бўлимида ветеринария техниги бўлиб ишлашини, маҳалласида яшовчи Ботиров Ашраф акани яхши танишини, оқ рангли “Жигули” русумли автомашинасида киракашлик қилишини, Ашраф ака, Баҳодир, Шерқўзилар билан 2021 йил ноябрь ойи бошида Фориш туман марказида тушлик қилишганини, учаласи спиртли ичимлик истеъмол қилишганини, Ашраф ака унга “мен спиртли ичимлик ичганман, машинамни ҳайдаб уйга ташлаб қўй”-деганини, унинг машинасини ҳайдаб, Михин қишлоғидаги уйига олиб борганини, Ашраф аканинг иккита уйи бўлиб, иккинчи уйга ёз ойларида Ашраф аканинг Фориш туманида яшовчи қариндошлари келиб яшашини, Ашраф ака шу уй ичидан сварка апарат ва балгарка олиб чиқиб, Шерқўзи аканинг машинасини сошлаб бериб, сварка апарат ва балгаркани яна қайтариб, уйга олиб кириб қўйганини, шу пайт ушбу буюмларнинг шу уйда турганини билиб, ўғирлаш фикри пайдо бўлганини, орадан бир неча кун ўтиб, 2021 йил 25 ноябрь куни кеч соат 23.00ларга яқин ўзи билан бир маҳаллада яшовчи синфдоши Сайфуллаев Озод билан телефонда гаплашиб, Озоднинг уйи олдида кўришишга келишганини, у билан учрашиб, Озодга “битта иш бор, Михинда биздан тепароқда яшовчи Ашраф аканинг уйида сварка апарати билан балгарка бор, олиб чиқиб сотсак, яхши пул бўлади, ҳеч ким билмайди”-деб айтганини, Озод рози бўлганини, иккаласи Ашраф аканинг уйи олдида бориб, атрофни биров кузатиб, ҳеч ким йўқлигига ишонч ҳосил қилганини, унинг олдидаги эшикни тортиб кўрганида эшик қулф эканини билишиб, эшик ёнидаги деразани тортиб кўрганида дераза очилганини, Озодга “сен атрофга қараб тур, мен ичкарига кириб чиқаман”-деганини, Озод эшикнинг ёнида ён атрофни кузатиб турганини, ўзи деразадан уй ичкарисига кирганини, уй ичи қоронғу эканини, ичкарига кирган жойда қутида турган сварка апарат билан балгаркани деразадан Озодга берганини, яна деразадан ташқарига чиқиб, қирнинг устига бориб, сварка апарати билан балгаркани тошлар орасига яшириб қўйишганини, иккаласи эрталаб олиб кетишга ўзаро келишиб, уйларига кетишганини, эрталаб



соат 6:30ларда Озод иккаласи тошлар орасига яшириб қўйган балгарка билан сварка апаратни олиб, Фориш тумани марказига келиб, Жиззах шахрига таксичилик қилувчи нотаниш ҳайдовчи билан Жиззах шахрига бориб, Кимёгар эҳтиёт қисмлар бозорига бориб тушганини, 30.000 сўм кира пули беришганини, Озод унга “Сен сварка апарат билан балгаркани ўғирлаб чиққанимизни сездириб қўйишинг мумкин, ўзим савдо қиламан”-деб айтганини, Муҳаммад исмли киши сварка апарат билан балгаркани текшириб, “бу буюмлар ўғирлик эмасми”-деб сўраганини, Озод унга “иккаласи ҳам ўзимга тегишли”-деб айтганини, сварка апарат билан балгаркани 600.000 сўмга савдолашиб сотганини, Жиззах шахридаги “Қипчоқ” сомсахонасида овқатланиб, 200.000 сўмини тўлаганини, 400.000 сўмини 200.000 сўмдан бўлиб олишганини, пулларни ўз эҳтиёжи учун ишлатиб юборганини, ҳозирги кунда етказилган зарарни тўлиқ қоплаганини, қилган ишидан чин кўнгилдан пушаймонлигини, ёшлигини, илгари судланмаганини, жабрланувчидан кечирим сўрганини, у кечирганини, унинг даъвоси йўқлигини инобатга олиб, қонуний енгиллик беришни сўраб кўрсатув берди.

Судда судланувчи Сайфуллаев Озод айбига иқроор ва пушаймонлик билдириб, Фориш туманидаги “Базальт” МЧЖда пайвандчи бўлиб ишлашини, 2021 йил 25 ноябрь куни Фориш тумани марказидаги “Насиба” кафесида танишлари билан овқатланиб, спиртли ичимлик истеъмол қилиб, соат 22:00 ларда уйига қайтаётганида, синфдоши Нормухаммадов Диёр телефон қилиб, кўришмоқчилигини айтганини, уйига бориб ётганида соат 23:00ларда Диёр уйига келиб, “битта иш бор, Михин қишлоғидаги Ашраф аканинг уйида сварка апарати билан балгарка бор, олиб чиқиб сотсак, яхши пул бўлади, ҳеч ким билмайди, бу уйда ҳеч ким турмайди, пулини ўзимизга ишлатамиз”-деб айтганини, иккаласи Ашраф аканинг уйига пиёда борганини, Ашраф аканинг иккита уйи бўлиб, икки уйи орасида тахминан 100 метрлар масофа борлигини, тепадаги уйида ҳеч ким яшамаслигини, Ашраф ака бу уйида ёз ойларида яшашини, Диёр унга “сен атрофга қараб тур, мен ичкарига кириб, олиб чиқаман”-деганини, шундан кейин уйнинг олдида бориб, эшикнинг ёнида ён атрофни кузатиб турганини, Диёр эшик қулфлангани сабабли эшик ёнидаги деразани қўли билан тортиб кўриб, деразани очиб, деразадан уй ичкарасига кириб, тахминан беш дақиқалар ўтиб, сварка апарат билан балгаркани деразадан узатганини, иккаласи қирнинг устига бориб, сварка апарати билан балгаркани биров кўриб қолмаслиги учун тошлар орасига яшириб қўйганини, эрталаб соат 6:30ларда иккаласи тошлар орасига яшириб қўйган балгарка билан сварка апаратини олиб, Фориш тумани марказига келиб, Жиззах шахрига таксичилик қилувчи нотаниш ҳайдовчи билан Жиззах шахрига бориб, Кимёгар эҳтиёт қисмлар бозорига бориб тушганини, 30.000 сўм кира пули беришганини, Диёрга “Сен сварка апарат билан балгаркани ўғирлаб чиққанимизни сездириб қўйишинг мумкин, ўзим савдо қиламан”-деб кейинчалик таниган Ахмедов Муҳаммад исмли кишига “иккаласи ҳам ўзимга тегишли, бу буюмларни сотаётганимни отам ҳам билади, ҳоҳласангиз олдингизда отам билан гаплашаман” деб телефонини қўлига олиб, четга ўтиб, ёлғондан худди биров билан гаплашаётгандек қилиб кўрсатганини, Ахмедов Муҳаммад билан савдолашиб, 600.000 сўмга сотганини, Жиззах шахридаги



“Қипчоқ” сомсахонасида овқатланиб, 200.000 сўмини тўлаганини, 400.000 сўмини 200.000 сўмдан бўлиб олишганини, пулларни ўз эҳтиёжи учун ишлатиб олганини, қилган ишидан чин кўнгилдан пушаймонлигини, ёшлигини, жабрланувчидан кечирим сураганини, у кечирганини, унинг даъвоси йўқлигини, илгари судланмаганини инобатга олиб, қонуний енгиллик беришни сўраб кўрсатувидан ташқари;

Судланувчилар Д.Норматов ва О.Сайфуллаевларнинг содир қилган жиноятдаги айби ўзининг айбига иқrorлик кўрсатувидан ташқари;

жабрланувчи Ботиров Ашрафнинг суддаги, “Жигули” русумли 25А 615 ВА давлат белгили автомашинада киракашлик қилишини, турмуш ўртоғи Раббимова Назира маҳалладаги “Аёллар дафтари”га киритилгани сабабли 2021 йил ёз ойларида “Агробанк”нинг Фориш тумани филиалидан турмуш ўртоғининг номига 4.700.000 сўм кредит маблағи ажратилиб, кредитга бир дона “ЕРА” русумли пайвандлаш ускунаси, бир дона “ЕРА” русумли “балгарка”, бир дона “ЕРА” русумли мотопелла, бир дона “ЕРА” русумли сув насоси сотиб олганини, ушбу ускуналарни ўзи ишлатиб, қўшнилари ва бошқа танишларининг техникаларини сошлаб беришини, амакиси Бозоров Рустам туман марказидаги уйда яшашини, ёз фаслида Михин қишлоғидаги уйга келиб яшашини, 2021 йил октябрь ойида Рустам акаси туман марказидаги уйга кўчиб, Михиндаги уйни қараб туриш учун топшириб кетганини, шу уйга кредитга олинган ускуналарнинг ҳаммасини сақлаб келганини, 2021 йил 26 ноябрь куни Рустам акасининг уйига борганида бир дона “ЕРА” русумли пайвандлаш ускунаси ва бир дона “ЕРА” русумли балгарка жойида йўқлигини кўриб, профилактика инспекторини чақирганини, ИИБ ходимлари суриштирув олиб бориб, ушбу буюмларни маҳалладоши Озод ва Диёрлар ўғирлаб кетишганини аниқлашганини, ускуналар йўқолишидан тахминан 15 кунлар олдин Диёр уйига келганида Шеркўзи исмли маҳалладошининг машинасини сошлаш учун балгарка билан сварка апаратини ишлатганини кўрганини, йўқолган бир дона “ЕРА” русумли пайвандлаш ускунаси, бир дона “ЕРА” русумли балгаркани қайтариб олганини, Озод ва Диёр қариндоши бўлишини, улар ва ота-оналари кечирим сўрашганини, уларга нисбатан ҳеч қандай даъвоси йўқлигини, уларни кечирганини, уларга нисбатан қамоқ билан боғлиқ бўлмаган, энг енгил жазо тайинлашни сўраб берган кўрсатуви билан;

гувоҳ Ботиров Рустамнинг суддаги, Фориш тумани Михин қишлоғида ёзги ҳовлисида бир хона ва айвонли уй қуриб, ёз ойларида бориб, деҳқончилик қилишини, тахминан 2021 йил 15 октябрь куни Михин қишлоғидаги уйдан туман марказидаги уйга қайтиб келиб, уйи билан ёнма-ён яшовчи амакиси Ботиров Ашрафга уйи калитларини бериб, қараб туришини тайинлаганини, А.Ботиров оиласи билан 2021 йил кредитга бир дона “ЕРА” русумли пайвандлаш ускунаси, бир дона “ЕРА” русумли “балгарка”, бир дона “ЕРА” русумли мотопела, бир дона “ЕРА” русумли сув насоси олганини, “ЕРА” сув насосини қўшнисини Умирова Бибисорага тахминан 1.000.000 сўмга сотиб юборганини, 2021 йил 27 ноябрь куни А.Ботиров уйда турган турган бир дона “ЕРА” русумли пайвандлаш ускунаси, бир дона “ЕРА” русумли “балгарка”



йўқлигини айтганини, ИИБ ходимлари суриштирув олиб бориб, ушбу буюмларни уйдан Михин қишлоғида яшовчи Озод ва Диёр исмли болалар ўғирлашганини аниқлашнинг билдириб берган кўрсатуви билан;

гувоҳ Раббимова Назиранинг суддаги жабрланувчи турмуш ўртоғи Ботиров Ашрафнинг судда берган кўрсатувиغا ўхшаш кўрсатуви билан;

шунингдек, уларнинг содир қилган жиноятдаги айби, қуйидаги суд томонидан мақбул деб топилган қиллар яъни;

гувоҳ Ахмедов Мухаммаднинг дастлабки терговда берган ва судда ўқиб эшиттирилган, Жиззах шаҳридаги “Кимёгар” эҳтиёт қисмлар бозорида савдо қилишини, 2021 йил 26 ноябрь куни кейинчалик таниган Нормухаммадов Диёр ва Сайфуллаев Озодлар бир дона пайвандлаш ускунаси ва бир дона балгаркани сотиш учун олиб келишганини, улардан “ушбу буюмлар ўғирлик эмасми”-деб сўраганини, улардан бири “иккаласи ҳам ўзимга тегишли, бу буюмларни сотаётганимни отам билади, ҳоҳласангиз олдингизда отам билан гаплашаман”-деб олдида кимгадир телефон қилиб гаплашгани учун “ушбу ускуналар ўғирлик бўлмаса керак”-деб ўйлаб, улар билан савдолашиб, балгарка билан сварка апаратыни 600.000 сўмга сотиб олганини, орадан бир неча кун ўтиб, уйига ИИБ ходимлари келишиб, балгарка ва сварка апаратыни Форишдан ўғирлаб келишганини айтишиб, расмийлаштириб олиб кетишганини, ўғирлик эканини кейинчалик билганини, агарда ўғирлик эканини билганида сотиб олмаслигини, сотиб олган нарсаларни пулини тўлиқ қоплаганини билдириб берган кўрсатуви ва тилхати билан;

-ариза, ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш баённомаси, чизмаси ва фотосуратлар, нарсани олиш ва кўздан кечириш баённомалари ва суратлар, кўрсатувларни ҳодиса содир бўлган жойда текшириш ҳақида баённома, фотосуратлар, баҳолаш маълумотномаси, ашёвий далил деб топиш тўғрисидаги қарор, тушунтириш хатлари, сўроқ баённомалари ҳамда ишда тўпланган бошқа далиллар билан ўз исботини топган.

Суд, мазкур далилларни ишнинг ҳақиқий ҳолатларига мос, ишончли далиллар деб баҳолаб, Д.Нормухаммадов ва О.Сайфуллаевларни мазкур ҳукмда кўрсатилган жиноятни содир қилганликда айблаш учун асослар етарли деб ҳисоблайди.

Олий суд Пленумининг 1999 йил 30 апрелдаги “Ўзгалар мулкани ўғрилик, талончилик ва босқинчилик билан талон-торож қилиш жиноят ишлари бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги Қарорининг 1-бандида, жабрланувчининг ёки бошқаларнинг йўқлигида ёки улар бор бўлса-да, уларга билдирмасдан ўзганинг мол-мулкани яширин талон-торож қилиш ўғрилик ҳисобланиши, бордию жабрланувчи ёки бошқалар мол-мулканинг олинаётганлигини кўрган бўлса-да, лекин айбдор билдирмасдан ҳаракат қиялман деб ўйлаган бўлса, бундай қилмишни ҳам ўғрилик деб тавсифлаш лозимлиги;

5-бандида, ўзгалар мулкани талончилик ва ўғрилик билан эгаллаган ва айбдор бу мулкдан ўз хоҳишича фойдаланиш ёки уни ишлатиш имкониятига эга бўлган вақтдан бошлаб, босқинчилик эса жабрланувчининг ҳаёт ва соғлиги учун хавfli бўлган зўрлик ишлатиш ёки шундай зўрлик ишлатиш билан кўрқитиб ҳужум бошланган



вақтдан бошлаб, тугалланган ҳисобланиши ҳақида раҳбарий тушунтиришлар берилган.

Суд, ушбу ҳисобнинг раҳбарий тушунтиришларига амал қилган ҳолда дастлабки тергов органи томонидан судланувчилар Д.Нормухаммадов ва О.Сайфуллаевлар бир гуруҳ бўлиб, А.Ботировнинг уй-жойига ғайриқонуний равишда кириб, унинг бир дона 1.500.000 сўмлик “ЕРА” русумли пайваз (марка) ва бир дона 750.000 сўмлик “ЕРА” русумли кесиш ускунаси (марка) жами 2.250.000 сўмлик ускуналарини яширин равишда ёғрилаш йўли билан талон-торож қилганлик жинойи ҳаракатини ЖК 169-моддаси 2-қисми “в,г” бандлари билан тўғри квалификация қилинган деб ҳисоблайди.

Суд, судланувчи Д.Нормухаммадовнинг айбига иқро ва пушаймонлигини, илгари судланмаганини, ёшлигини, оилада асосий боқувчи эканини, етказилган зарар тўлиқ қопланганини, жабрланувчининг даъвоси йўқлигини жазони енгиллаштирувчи ҳолат, жазони оғирлаштирувчи ҳолат йўқ деб;

судланувчи О.Сайфуллаевнинг айбига иқро ва пушаймонлигини, илгари судланмаганини, ёшлигини, оилада асосий боқувчи эканини, етказилган зарар тўлиқ қопланганини, жабрланувчининг даъвоси йўқлигини жазони енгиллаштирувчи ҳолат, жазони оғирлаштирувчи ҳолат йўқ деб баҳолайди.

Жиноят кодекси 7-моддасида, жазо ва бошқа ҳуқуқий таъсир чоралари жисмоний азоб бериш ёки инсон қадр-қимматини камситиш мақсадини кўзламаслиги, жиноят содир этган шахсга нисбатан у ахлоқан тuzалиши ва янги жиноят содир этишининг олдини олиш учун зарур ҳамда етарли бўладиган жазо тайинланиши ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чораси қўлланилиши кераклиги, жазолашдан кўзланган мақсадга ушбу Кодекс Махсус қисмининг тегишли моддаларида назарда тутилган енгилроқ чораларни қўллаш орқали эришиб бўлмайдиган тақдирдагина оғирроқ жазо чоралари тайинланиши мумкинлиги;

8-моддасида, жиноят содир этишда айбдор бўлган шахсга нисбатан қўлланиладиган жазо ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чораси одилона бўлиши, яъни жиноятнинг оғир-енгиллигига, айбнинг ва шахснинг ижтимоий хавфлилик даражасига мувофиқ бўлиши кераклиги белгиланган.

Олий суд Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги Қарорининг 3-бандида, жиноят кодексининг 8, 54-моддалари мазмунига кўра, жазо адолатли бўлиши—ҳар бир ҳолатда индивидуал тайинланиши, жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига, айбдорнинг шахсига, шунингдек жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларга мувофиқ бўлиши кераклиги ҳақида раҳбарий тушунтириш берилган.

Суд, судланувчи Д.Нормухаммадовга жазо тайинлашда юқорида қайд этилган енгиллаштирувчи ҳолатларни инобатга олиб, ЖКнинг 7,8-моддаларидаги инсонпарварлик ва одиллик принциплари ҳамда Олий суд Пленуми қарорлари раҳбарий тушунтиришларига риоя қилган ҳолда жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасини, хусусиятини, жабрланувчининг даъвоси йўқлигини, етказилгани зарар тўлиқ қопланганини, илгари судланмаганини, ёшлигини инобатга олиб, уни



жамиятдан ажратмасдан туриб ҳам тарбиялаш мумкин деган қатъий тўхтамга келиб, у айбли деб топилаётган жазо санкцияси доирасида иш ҳақининг ўн фоизини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолинган ҳолда ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлашни, жазони иш жойида ўтатиришни, жазо ижросини назорат қилишни Фориш туман ИИБ Пробация гуруҳига юклашни, “гаров” эҳтиёт чорасини ҳукм қонуний кучга кирган кундан бошлаб бекор қилишни, “гаров” суммасини гаровга қўювчига қайтаришни;

судланувчи О.Сайфуллоевга жазо тайинлашда юқорида қайд этилган энгиллаштирувчи ҳолатларни инобатга олиб, ЖКнинг 7,8-моддаларидаги инсонпарварлик ва одиллик принциплари ҳамда Олий суд Пленуми қарорлари раҳбарий тушунтиришларига риоя қилган ҳолда жиноятнинг ижтимоий хавфлилиқ даражасини, хусусиятини, жабрланувчининг даъвоси йўқлигини, етказилгани зарар тўлиқ қопланганини, илгари судланмаганини, ёшлигини инобатга олиб, уни жамиятдан ажратмасдан туриб ҳам тарбиялаш мумкин деган қатъий тўхтамга келиб, у айбли деб топилаётган жазо санкцияси доирасида иш ҳақининг ўн фоизини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолинган ҳолда ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлашни, жазони иш жойида ўтатиришни, жазо ижросини назорат қилишни Фориш туман ИИБ Пробация гуруҳига юклашни, “гаров” эҳтиёт чорасини ҳукм қонуний кучга кирган кундан бошлаб бекор қилишни, “гаров” суммасини гаровга қўювчига қайтаришни;

жабрланувчи А.Ботировга бир дона “ЕРА” русумли пайвандлаш ускунаси ва бир дона “ЕРА” русумли балгарка ускунаси қайтарилганини ва етказилган зарар тўлиқ қопланганини қайд этишни лозим топади.

Юқоридагиларга кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 454-457, 460, 462-463, 465-468, 471-473, 497¹-497⁴, 499-500-моддаларига риоя қилиб, суд

ҲУКМ ҚИЛДИ:

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 169-моддаси 2-қисмининг “в,г” бандлари билан айбли деб топилсин ва иш ҳақининг ўн фоизини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 2 (икки) йил муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлансин.

Ахлоқ тузатиш ишлари жазоси Фориш тумани ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш бўлимида ўтатирилиб, жазо муддати унинг иш ҳақидан давлат даромади ҳисобига ушлаб қолинган кундан бошлаб ҳисоблансин.

Жазо ижросини назорат қилиш Фориш туман ИИО Пробация гуруҳи зиммасига юклатилсин.

Д.Нормухаммадовга қўлланилган “гаров” эҳтиёт чораси ҳукм қонуний кучга кирган кундан бошлаб бекор қилинсин ва 5.500.000 сўм ўзига қайтарилсин.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 169-моддаси 2-қисмининг “в,г” бандлари билан айбли деб топилсин ва иш ҳақининг ўн фоизини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 2 (икки) йил муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлансин.



Ахлоқ тузатиш ишлари жазоси Фориш туман “Базальт” МЧЖда ўтаттирилиб, жазо муддати унинг иш ҳақидан давлат даромади ҳисобига ушлаб қолганидан бошлаб қилинсин.

Жазо ижросини назорат қилиш Фориш туман ИИО Пробация гуруҳи зиммасига юклатилсин.

О.Сайфуллаевга қўлланилган “гаров” эҳтиёт чораси ҳукм қонуний кучга кирган кундан бошлаб қилинсин ва 5.500.000 сўм ўзига қайтарилсин.

Жабрланувчи А.Ботиров дона “ЕРА” русумли пайвандлаш ускунаси ва бир дона “ЕРА” русумли балгарка ускунаси тилхат орқали қайтарилгани ва етказилган зарар тўлиқ қоплангани қайд этилсин.

Тарафлар ҳукм устидан ҳукм эълон қилинган кундан бошлаб йигирма сутка ичида, маҳкумлар, жабрланувчи эса ҳукмнинг кўчирма нусхаси топширилган кундан бошлаб, шу муддат ичида жиноят ишлари бўйича Фориш туман суди орқали Жиззах вилоят судининг жиноят ишлари бўйича апелляция инстанциясига шикоят бериши ёки протест билдирилиши мумкин.

Раислик қилувчи

имзо

С.Ф.Ботиров

Аслига тўғри;

